

Ақийда дарслари (68-дарс). Намозни тарк қилган одам ҳақида



16:30 / 13.01.2020 8161

Намоз араб тилида «салот» дейилиб, луғатда «яхшиликка дуо» маъносини англатади.

Шариатда эса намоз деб такбир ила бошланиб, салом бериш ила тугайдиган, махсус шартлари бор калималар ва амаллар мажмуасига айтилади.

Намоз Исро кечасида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижратларидан олдинроқ фарз бўлган.

Беш вақт намознинг фарзлиги Қуръонда ҳам, Суннатда ҳам, Ижмоъда ҳам қайта-қайта таъкидланган.

Намоз балоғатга етган ҳар бир мусулмон учун фарзи айнди. Ҳар ким ўзи учун намоз ўқимоғи фарздир. Ким намозни инкор қилса, Исломдан чиқиб, кофир бўлади.

Намознинг фарзлигини тан олиб туриб, уни тарк қилган одам ҳақида ихтилоф қилинган.

Баъзи тоифалар: «Бир вақт намозни бўлса ҳам дангасалик қилиб тарк қилган одам кофир бўлади», деганлар.

Жумҳур уламолар эса: «Бундай одам кофир бўлиб, мусулмонлик доирасидан бутунлай чиқиб кетмайди-ю, осий ва фосиқ бўлиб, икки дунёнинг уқубатига сазовор бўлади», деганлар.

Намозни тарк қилган одам охиратда ҳар бир тарк қилган намози учун жазо олишига ҳамма иттифоқ қилган.

Шунингдек, бу дунёда ҳам жазо олишига барча уламолар иттифоқ қилишган. Аммо жазонинг тури ҳақида баъзи ихтилофлар бор.

«Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар» китобидан